

РАҲБАРШУНОСЛИК ВА БОШҚАРУВ ФАҲЛАРИ



ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖМЕНТ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ




22.6
33

ЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖМЕНТ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

II ЖИЛД



ТОШКЕНТ
«SHARQ»
НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
2011

“Замонавий менежмент: назария ва амалиёт”. II китоб, таҳрир ҳайъати:
Қ.Н. Назаров, Д.Н. Раҳимова Т.: ДЖҚА, 2011 йил.

Муаллифлар жамоаси:

Қ.Н. Назаров, Д.Н. Раҳимова, А.Н. Арипов, Қ.Х. Абдурахмонов,
Х.П. Абдулқосимов, Н.Х. Жумаев, О.К. Иминов, Ш.Н. Зайнутдинов,
Э.А. Ҳошимов, С.Б. Муҳитдинова, М.А. Мирҳамидова,
Ш.М. Садиков, А.Х. Муҳитдинов, Т. Тешабоев

Тақризчилар:

и.ф.д., проф. Р.Р. Хасанов,
и.ф.д., проф. М.С. Қосимова,
и.ф.н., доц. М.П. Отакулов,

Мазкур дарсликнинг II китоби Президент Ислом Каримов асарларида асослаб берилган “Замонавий менежмент”, “Бошқарувда ахборот технологиялари”, “Инкирозга қарши бошқарув”, “Инвестицияларни бошқариш”, “Корпоратив бошқарув” йўналишлари бўйича кўникмалар ҳосил қилиш, бу борада тингловчилар маҳоратини ошириш, замонавий технологияларни ўзлаштиришга доир назарий ва амалий масалаларга бағишланган.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг ИТД-2-047 “Иқтисодий эркинлаштириш жараёнида тадбиркорликни бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари”, И2011-7-1 “Раҳбар кадрларнинг бошқарув маҳоратини ошириш бўйича ўқув қўлланмалар мажмуасини тайёрлаш ва чоп этиш” лойиҳалари бўйича тадқиқотлар асосида тайёрланган.

Дарслик бошқарув ва раҳбаршунослик масалалари билан шугулланувчи мутахассислар, ўқитувчи ва магистрлар, тингловчилар ва ушбу мавзуга кизикувчи китобхонларга мўлжалланган илк тажрибалардан биридир. У ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

Тошкент ш. Ўзбекистон шоҳ кўчаси – 45 уй.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси Тел. 239-89-00, 232-60-48

ISBN 978-9943-00-637-9

К И Р И Ш

Тарихан киска 20 йилликда аввало эл-юртимизнинг хохиш-иродаси, куч-қудрати, машаққатли ва бунёдкорона моҳияти эвазига жаҳон харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига таянган, бугун таракқиёт йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган мустақил, суверен Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг тарихий ғалабасидир. Мамлакатимизда демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш ва ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш йўлида эришган марраларимиз жаҳон аҳлини ҳақли равишда ҳайратда қолдирмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Республикада инновация лойиҳалари негизда иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш дастурларини амалга ошириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда”¹.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хўжалик субъектлари бўлмиш корхоналар ўз фаолиятини “нима?”, “қандай?”, “ким?”, деган саволларга ўзига хос жавоб бериш орқали ташкил этади ва иш юритади. “Нима ишлаб чиқариш зарур?”, - деган саволга жавоб беришда корхоналар зарар кўрмаслик ва фойда олиш учун ҳаракат қондасига амал қилишини ҳисобга олиб, “фақат фойда келтириши мумкин бўлган товарларни ишлаб чиқарадилар ва хизмат кўрсатадилар.

Корхоналар фойда олиш учун пул тўлаш қобилиятига эга бўлган истеъмолчиларга зарур бўлган миқдорда ва турда товарлар ишлаб чиқаради ва ресурсларни етказиб беради. Қандай ишлаб чиқарилади?, ёки “ишлаб чиқариш қандай ташкил қилинади?”, деган саволларга корхоналар ишлаб чиқаришга иқтисодий жиҳатдан анча самарали технологияни қўллашга, меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ресурслардан самарали фойдаланиш орқали жавоб берадилар. Шунинг учун ҳам бозор муносабатларига ўтиш шароитида корхоналар юқори фойда олиш мақсадида фаолият юритишга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ўрганишлари мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, давлат корхоналарининг бозор муносабатларига ўтиш шароитида эркин иқтисодий фаолият юритишлари ва рақобатлашишлари учун тегишли ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитларни вужудга келтириши муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар корхоналар бозор муносабатлари тизими талабларига мос фаолият юритишлари учун тегишли макон, шароит яратишга

¹Каримов И.А. Мамлакатимизни демократик ислохотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуничилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси “Халқ сўзи” газетаси 2010 йил 13 ноябр.

каратилгандир. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби” мавзусидаги маърузасида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида иқтисодий ўсишнинг юқори, барқарор ва мувозанатлашган суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлик тенденциялари мустаҳкамланаётгани, иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартириш, диверсификациялаш ва модернизация қилиш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш бўйича узок муддатли масалаларни ҳал этишда ижобий силжишлар таъминланаётганини алоҳида қайд этиб ўтди.

Маърузада жаҳонда юз бераётган молиявий ва иқтисодий инкирознинг сабаблари ва у келтириб чиқаётган оқибатлар, бундай ҳолатга йўл қўймаслик учун мамлакатимизда изчил олиб борилаётган чора-тадбирлар, хусусан тараққиётнинг ўзбек модели асосини ташкил этувчи беш тамойилни янада изчил ва қатъий жорий этиш бўйича аниқ тавсиялар берилди. Шунингдек, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” Давлат дастурини ҳаётга жорий этиш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган ишлар қўлами чуқур асослаб берилди. Президентимиз маърузасида Инкирозга қарши чоралар дастури, унинг мазмун-моҳияти ҳамда конкрет бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида атрофлича тушунтиришлар берилган. Ана шу юксак вазифаларни бажариш учун мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш барчанинг, хусусан раҳбар кадрларнинг фаолияти учун асос бўлиши зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда бизнинг асосий устувор йўналишимиз бундан буён ҳам бизнес жумладан, хусусий бизнес учун зарур бўлган барча қулай шароитларни яратишдан, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириб боришдан иборат бўлиб қолаверади.

Мухим устувор йўналиш — бу, хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларимизни ҳар томонлама кучайтиришдан иборат”, деб таъкидладилар.

Ушбу фикрдан келиб чиқиб, корхоналарнинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида инкирозга қарши фаолиятини бошқариш муаммоларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш зарурлиги ушбу китобдаги инкирозга қарши бошқарув қисмининг долзарблигидан далолат беради.

Шунинг учун бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимга ўтиш шароитида корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва фаолият самарадорлигини ошириш бўйича тегишли назарий ва амалий таклифларни ишлаб чиқиши муҳим аҳамият касб этади.

“Инкирозга қарши бошқарув ва инкироз хавфининг олдини олишга йўналтирилган бошқарув фаолияти” деган илмий тушунчалар МДХ ҳудудидаги мамлакатларнинг, жумладан республикаимизнинг, бозор муносабатларига ўтиш жараёнлари ҳамда ушбу жараёнларни тадқиқ этиш зарура-